**Ушбу сонда:**

2 — *Орамиздаги одамлар* ЖОНКУЯР КАСАБАҚЎМ

3 — ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР

4 — *Излаган имкон топар* ТАЛАБАЛАРГА йўл ҳақи текин

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

OʻZBEKISTON KASABA UYUSHMALARI FEDERATSIYASI — FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2006 йил 1 феврал, чоршанба № 18 (2067)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ



## ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИДА УЗИЛИШ БЎЛМАЙДИ

Навоий вилоятининг Қизилтепа туман электр тармоқлари корхонаси жамоаси қишнинг қорли-қировли кунларида аҳолини электр қуввати билан узлуксиз таъминлаб келяпти. Корхона 18 мингдан зиёд аҳоли, 329 та юридик истеъмолчи ва 533 та жисмоний шахсга хизмат кўрсатади. Дебитор қарзларни камайтириш, электр энергиясининг ортиқча сарфланишига йўл қўймасликка ҳаракат қилаётган нурчилар аҳоли қарздорлигини 70 миллион сўмга қисқартиришга эришди.

- Бунда ходимларимизнинг 47 маҳалла билан ҳамкорликда иш олиб бораётгани яхши самара бермоқда, - дейди туман электр тармоқлари корхонаси бош муҳандиси Қамбар Рамазонов. - Қишнинг совуқ кунларида жамоамиз аъзоларининг саъй- ҳаракати билан электр қувватидан тежаб фойдаланилмоқда, узилишлар бўлишига йўл қўйилмаяпти. Мақсадимиз хонадонларни кечаю-кундуз ёруғ қилиш, ишлаб чиқариш корхоналарини доимий равишда электр нури билан таъминлашдан иборат.

## ЎЗБЕК КУРАШИНИНГ ДАДИЛ ОДИМЛАРИ

**Буюк Британиянинг Ситинборн ва Грециянинг Салоники шаҳрида 29-30 январ кунлари кураш бўйича «Ислом Каримов» анъанавий халқаро турнири бўлиб ўтди**

***Кураш халқаро ассоциацияси (КХА) мусобақалари тақвимидан жой олган жаҳон ва қитъалар миқёсидаги мусобақалар анчагина. Улар орасида 2000 йили Буюк Британия кураш ассоциацияси томонидан асос солиниб, Ўзбекистон Республикаси Президентига чуқур эҳтиром сифатида «Ислом Каримов» номи берилган халқаро турнирнинг аҳамияти беқиёс. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ўзбек кураши 1998 йилда халқаро майдонга чиққан бўлса, Юртбошимиз номи билан аталган Буюк Британиядаги ушбу турнир курашни Европада тарғиб этишда катта ҳисса қўшиб келмоқда.***

Буюк Британиянинг Ситинборн шаҳрида олтинчи маротаба ташкил этилиб, дунёнинг ўнга яқин давлатидан келган қарийб юз нафар курашчи қатнашган бу йилги турнир ўсмирлар, ёшлар ва қизлар ўртасида ўтди. У ҳамюртимиз Умид Бозоров, мезбонлардан Эшли Жордан, Бенжамин Вуд, Том Мэтьюз, Сэм Миллер, Райан Питкок, Кеннор Мэрфи, Пэрри Мортимер, Лотти Миллингтон, Стейси Бранчетт, Меган Ҳарлоу, Дэнни Кэррот, Кэрри Пенфолд, Ричард Биван, Жек Уэбб, Жон Кларк, Дэнни Мэрфи, молдовалик Ион Карп каби кураш усталари етишиб чиқаётганини кўрсатди. Бундан ташқари, фахрийлар ўртасидаги беллашувларда ғолиб чиққан Буюк Британия вакиллари Кэй Валдрон, Дэн Марфи ҳамда Стивен Свитлов «Ислом Каримов» анъанавий халқаро турнирининг олтин медалларини қўлга киритишди.

Таъкидлаш жоизки, бугун «Ислом Каримов» халқаро турнирида гиламга чиқиб, ўзаро бел олишаётган болалар курашнинг келажаги бунданда порлоқ бўлишига, вақти келиб спорт оламидаги энг нуфузли мусобақа - Олимпиада ўйинлари дастуридан муқим жой олишига чин қалбидан ишонади.

Буюк Британия кураш ассоциацияси ташаббуси билан ташкил этилган «Ислом Каримов» халқаро турнирининг донғи дунёга ёйилди. Кураш халқаро ассоциациясига аъзо кўплаб давлатлар бу мусобақага мезбонлик қилиш истагини билдирмоқда. Ана шундай талабгор мамлакатлардан бири - Олимпиада ўйинлари ватани - Грецияда ҳам ўтган йилдан эътиборан кураш бўйича «Ислом Каримов» халқаро турнири ўтказилмоқда. Жорий йилнинг 29-30 январ кунлари Грециянинг Салоники шаҳрида ташкил этилган мусобақада дунёнинг йигирмага яқин давлатидан келган таниқли полвонлар мутлақ вазн тоифасида ғолиблик учун гиламга чиқдилар. Мусобақанинг энг қизиқарли беллашуви «Ислом Каримов» халқаро турнирининг бош соврини учун ўзбекистонлик Ўткир Қурбонов ва грециялик Деанисис Илиадис ўртасидаги финал учрашуви бўлди. Асосий беллашувда мезбон ғолибликни қўлга киритди.

Шундай қилиб, Европанинг икки шаҳрида ўтган «Ислом Каримов» анъанавий халқаро турнирлари муваффақиятли якунланди. Жорий мавсум давомида кураш мухлислари жаҳон ва қитъа миқёсидаги яна ўнлаб нуфузли мусобақадан баҳраманд бўладилар.

**(ЎзА)**

*Оилавий тадбиркорлик*

***Булоқбоши қишлоғида истиқомат қилувчи Фаррухжон Абдухалиловга дурадгорлик ота мерос касб. Бироқ оиласи жўжабирдек жон бўлгани учун гулдек ҳунарини ишлатиб рўзғор тебратишга қўли калталик қиларди. Қани энди пули бўлсаю, шартта-шартта харжлаб, хонадонида ёғочни қайта ишлаш кичик корхонасини очса!***

## ҲУНАРИ БОРНИНГ ЗАРИ БОР

У ана шундай ўй-хаёлларни кўпдан буён кўнглида пишитиб юрарди. Қишлоқ фуқаролар йиғинига бир юмуш билан бош суқаркан, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида имтиёзли кредитлар ажратилаётгани ҳақидаги хушхабар қулоғига илинди. Раисга бу ҳақда маслаҳат солганди, у дарҳол устага ён босди. Хуллас, Булоқбоши туман "Пахтабанк" бўлимида ҳунармандчилик йўналишида Фаррух Абдухаловга 500 минг сўм имтиёзли кредит ажратиш масаласи ҳал бўла бошлади. Бироқ ушбу кредитни қайтариш, бунинг учун кафиллик муаммоси ўртада пайдо бўлди. Бунинг ҳам имкони топилди. Қишлоқ фуқаролар йиғини қарзни қайтаришда Фаррухжонга кафилликка ўтди. Ҳунарманд оиланинг ишлари гуруллаб, даромаднинг чўғи кўпайишини, рўзғорига барака ёғилиб, банкдан кўтарган қарзи қисқа муддатда қопланиши, маҳалладошларга беш кундек аён эди.

Сармоя топгунча, уни расамади билан харжлаш йўлини қил, деган нақл юради. Бу борада банк маъмуриятининг ёрдами катта бўлди. Кичик цехни очиш, хомашёни қаердан харид қилиш, харидорларни топиш, маҳсулотни бозорда сотиш ҳақида бизнес-режа ҳам бисёр бўлди. Фаррух Абдухалиловларнинг энди омади чопган. Хусусий тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтиб, хонадонида оилавий кичик цех очган. У ёғочга ишлов берадиган замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланган. Қувончлиси, илгари ишсизлик мақомини олган акаси, укалари, маҳалладошлари, жами 4 нафар қишлоқ ёши муқим қўним топган. Эндиликда, харидорлар мебел тўпламлари, эшик, ром, шкафларни узоққа бормай, маҳалланинг ўзидан харид қилмоқдалар.

(Давоми 2-бетда)

## КОИНОТ ВОҲАСИ

«Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармасида таниқли рассом, Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси Муҳаммад Фозилийнинг «Коинот воҳаси» номли кўргазмаси очилди.

Кўргазмада рассомнинг йигирмадан зиёд янги асарлари жой олган. Мусаввирнинг «Буюк Навоий», «Тош устидаги шаҳар» ва «Қора чорқиррадан халос бўлиш» каби асарлари оламни янгича ва чуқур англаш борасидаги фалсафий юки билан томошабинлар эътиборини тортади.

*2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили*

## ИНСОН МАНФААТЛАРИ — ЭЗГУЛИК ТИМСОЛИ

***Меҳнат кишиси ҳақида ғамхўрлик, уни ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий қўллаб-қувватлаш, аҳолининг кам таъминланган, ёрдамга муҳтож қисмига моддий ёрдам кўрсатиш, ҳомийлик тадбирларини ташкил этиш, касаба уюшмаларининг кундалик вазифаси саналади.***

Кўнглида эзгулик уруғи томир отган инсонларнинг ташаббусини оммалаштириш, фахрийлар, отахону онахонлар, фарзандларимиз кўнглига йўл топиб, мушкулини осон қилиш соҳасида бир мунча хайрли ишлар амалга оширилди. Ҳомийларнинг саховати туфайли муҳтожлар, қариялар, етим-есирлар, ногиронларнинг кўнгли кўтарилди, кўпчилик муаммоларнинг ечими топилди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" бўйича дастур тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан аниқ иш режаси ишлаб чиқилди. Вилоят ҳокимлиги, Ўзбекистон савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси ва касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси, тармоқ касаба уюшмалари, туман ҳокимликлари билан мувофиқлаштирувчи кенгашлар ўртасида тузилган ҳудудий келишувлар, корхона, ташкилот ва муассасаларда қабул қилинган жамоа шартномалари, одамлар манфаатини ҳимоя қилишнинг асосий омили ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда)



Қамашидаги халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш корхонасида 80 дан ортиқ қишлоқ ёшлари меҳнат қилишади. Бу ерда маҳсулотлар сифатлилиги билан харидорларга манзур бўлмоқда.

**Ш.СУЛТОНОВ олган сурат**

*Диққат: танлов!*

## Мустақил босма нашрлар ва журналистлар учун «Жамият ва Мен» республика танлови

***Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди мустақил босма нашрларда мамлакат ижтимоий ҳаётининг устувор ва долзарб мавзуларини кенг ёритиш, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, республиканинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётини юксалтириш ҳамда босма нашрларнинг фаолиятини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, уларнинг нуфузини ошириш, босма нашрларни жамият ҳаётида кечаётган жараёнларни холис ва ҳаққоний, танқидий ва таҳлилий жиҳатдан юксак савияда тайёрланган материаллар билан бойитиш, аҳолининг ижтимоий аҳамиятдаги муҳим ахборотларга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш, журналистларнинг профессионал даражасини, ижодий фаоллигини ошириш мақсадида республикадаги мустақил босма нашрлар ва журналистлар ўртасида «Жамият ва Мен» танловини эълон қилади.***

### Танловни ўтказиш қоидалари

Танловга жорий йилнинг 1 февралидан 1 июнига қадар мустақил босма нашрларда чоп этилган ижодий ишлар қабул қилинади.

Танлов икки йўналишда: мустақил босма нашрлар учун алоҳида ва журналистлар учун алоҳида ўтказилади.

Танловга жамият учун муҳим аҳамиятга эга мамлакатимиздаги ижтимоий- иқтисодий, маданий-маърифий, ҳуқуқий-маънавий соҳалардаги ислоҳотларнинг боришини, санъат ва спорт, таълим, тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган дастурларнинг амалдаги ижросини тарғиб қилишга бағишланган ижодий ишлар тақдим этилади.

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар босма нашрларда танлов учун махсус ташкил этилган «Жамият ва Мен» танловига» рукнида жорий йилнинг 1 февралидан кейин чоп этилган бўлиши шарт.

Тақдим этилган материаллар икки қатор оралиғида, икки нусхада, босма ҳолда 5-10 саҳифадан иборат бўлиши, ўзбек ёки рус тилларида тайёрланган бўлиши керак.

Ишга босма нашр тўғрисида маълумотлар - нашр номи, муассислари, бош муҳаррири, ихтисослашуви, адади, тарқатилиш ҳудуди, манзили;

Муаллиф тўғрисида - фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспортга оид маълумотлар илова қилинади:

### Танловни ўтказиш тартиби

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар етакчи журналистлар, жамоат ташкилотлари, жамғармалар, манфаатдор вазирлик ва идоралар вакиллари орасидан танланган нуфузли ҳайъат томонидан кўриб чиқилади ва баҳоланади.

Ғолибларни аниқлашда мавзунинг долзарблиги, иш мазмунининг ижтимоий аҳамияти, материални етказишдаги аниқлик ва ўзига хослик, профессионал маҳорат асосий мезон ҳисобланади.

Танловга топширилган ижодий ишлар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

### Танлов якуни

«Жамият ва Мен» танлови якуни 2006 йил 27 июн - Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунида тантанали равишда эълон қилинади. Танловда ғолиб чиққан мустақил босма нашрлар таҳририятлари ва журналистлар таъсис этилган мукофотлар ва махсус дипломлар билан тақдирланадилар.

### Танлов ғолибларига мукофотлар

Мустақил босма нашр таҳририятлари учун:

1-ўрин - компьютер тўплами; 2-ўрин - сканер мосламаси; 3-ўрин - «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» тўплами. 4,5-ўринлар - рағбатлантирувчи дипломлар.

### Журналистлар учун:

1-ўрин - Россия Федерациясининг энг илғор оммавий ахборот воситаларида малака ошириш учун хизмат сафари;

2-ўрин-компьютер тўплами;

3-ўрин-«Ўзбекистон миллий энциклопедияси» тўплами.

4,5-ўринлар - рағбатлантирувчи дипломлар.

Ижодий ишлар «Жамият ва Мен» танловига деган қайд билан танлов матбуотда эълон қилинган кундан бошлаб жорий йилнинг 1 июнига қадар Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондига қуйидаги манзилга жўнатилади:

***Тошкент шаҳри - 700129, Навоий кўчаси 30-уй, 3-қават, 5-хона.***
***Телефон/факс: 144-12-51.***
***Ташкилий қўмита***

*«Ишонч»га жавоб берадилар*

## «КЎЗ ИЛҒАМАС ТЎСИҚЛАР»

***Газетамизнинг ўтган йил 29 ноябр сонида шу сарлавҳа остида танқидий мақола чоп этилганди. Яқинда ана шу мақола юзасидан Сурхондарё вилояти ҳокимлигидан жавоб хати олдик. Унда жумладан шундай дейилади:***

— "ISHONCH" газетасининг 190-сонида чоп этилган "Кўз илғамас тўсиқлар" сарлавҳали танқидий мақола Жарқўрғон тумани ҳокимлиги ва мутасадди ташкилотлар томонидан атрофлича ўрганиб чиқилди ва қуйидагилар аниқланди.

Жумладан, Жарқўрғон "Матлуботсавдо" акционерлик жамиятига қарашли бўлган "Анҳор" ошхонаси вилоят Давлат мулки бошқармасининг 1993 йил 13 февралдаги 236-сонли мувақҡат ордерига асосан Қ.Маҳмудовга хусусийлаштирилиб берилган. Кейинчалик ошхонада икки сменада (ойма-ой алмашиш усулида) иш олиб борилганлигини эътиборга олган ҳолда туман "Матлуботсавдо" ҳиссадорлик жамияти томонидан 1995 йил 12 майда ўтказилган умумий йиғилиш қарорига ҳамда меҳнат жамоасининг розилиги ва аризасига асосан вилоят Давлат мулки бошқармасининг 577-сонли буйруғи билан ошхона икки кишига, яъни Қилич Маҳмудов ва Жума Чоршанбиевлар номиға хусусий мулк қилиб берилган.

Орадан бир-икки йил ўтгандан сўнг мулк эгалари ўртасида ўзаро келишмовчиликлар пайдо бўлгач, вилоят Хўжалик судининг 1998 йил 26 февралдаги ҳал қилув қарорига асосан вилоят Давлат мулки бошқармаси томонидан берилган Ордерлар бекор қилиниб, ушбу ошхона биноси ва барча мол-мулклари билан биргаликда хусусийлаштириш масаласи ҳал бўлгунга қадар "Анҳор" фирмаси балансида қолдирилган. Шунингдек, ҳужжатлар ўрганилганда, "Анҳор" фирмаси биргина Қ.Маҳмудовнинг мулки эмаслиги аниқланган.

Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги Низомнинг 5-бандида илгари хусусийлаштирилган корхона ва объектларнинг Низом жамғармасида давлат улуши бўлмаган вақтда Давлат Ордери берилмаслиги белгилаб қўйилган. Шу сабабли, ушбу объект илгари хусусийлаштирилган деб ҳисобланади ва объектга бошқа Давлат Ордери берилмайди.

Жарқўрғон тумани архитектура ва қурилиш бўлими томонидан шаҳарсозлик фаолиятини тартибга олиш ва тасдиқланган бош режаларга, батафсил режалаштириш лойиҳаларига, қурилиш лойиҳаларига риоя қилган ҳолда объектларнинг жойлаштирилиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-62-сонли қарори иловасидаги шаҳар, аҳоли пунктларининг бош режаларини ишлаб чиқиш ҳолати бўйича амалга оширилган ишлар юзасидан туман ҳокимлиги ҳузурида тузилган махсус комиссиянинг хулосасига кўра, "Анҳор" фирмаси тасарруфидаги ошхона ва унинг атрофидаги кўча ҳаракатига, фуқароларнинг бозор атрофида бемалол ҳаракатланишларига халақит бераётган бино ва иншоотлар бузилиш режасига киритилган. Бу ҳақда фирма маъмуриятига бир неча бор огоҳлантиришлар берилган.

Бугунги кунда туман ҳокимлиги ва мутасадди ташкилотлар мулк эгасини аниқлаш ишларида белгиланган тартибда Ер ресурслари ва Давлат кадастри бўлими билан ҳамкорликда бино ва иншоотларнинг қиймати ва унинг ким томонидан қопланишини қонуний ҳал этишмоқда.

Ушбу масалани охирига етказиш вилоят ҳокимлигининг назоратига олинди.

**П.ТАНГРИЕВ,**
**Сурхондарё вилоят ҳокимининг ўринбосари**

*Дўст ачитиб гапиради*

## ҚОҒОЗ ЧИДАШИ МУМКИН. АММО...

Амалий иш ва ижро интизоми билан мустаҳкамланмаган ҳар қандай қарор саробга ўхшаб қолавериши турган гап. Афсуски, жойлардаги айрим касаба уюшма ташкилотлари фаолиятида бундай ачинарли ҳолга йўл қўйилмоқда.

Ғаллаорол туман Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма кенгашига бирлашган 21 та бошланғич ташкилотда тўққиз мингга яқин аъзолар фаолият олиб боришади. Бу ерда ҳужжатлар билан ишлашда жиддий нуқсон ва камчиликларга йўл қўйилмоқда. Юқори ташкилотлардан келаётган хат ва ҳужжатлар ўз вақтида рўйхатга олинмайди. Демакки, унинг ижроси ҳам таъминланмайди. Масалан, АСМ ходимлари Жиззах вилоят Кенгаши раёсатининг ўтган йил 19 мартдаги "Вилоят АСМ ходимлари касаба уюшмалари Кенгашининг "Сиҳат-саломатлик йили" дастури бўйича тадбирлари тўғрисида"ги қарори юзасидан амалий ишларни етарли, деб бўлмайди. Тадбирларнинг аксарият кўп қисми қоғозда қолиб кетмоқда.

Шу боис вилоят тармоқ кенгаши "Ғаллаорол" ва Зомин туманлари АСМ тизимида фаолият кўрсатаётган деҳқон-фермер хўжаликларида ишлаётган ходимларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялаш борасида касаба уюшмалари қўмиталари олиб бораётган ишлар тўғрисидаги масалани қараб чиқиб, тегишли қарор қабул қилди. Мазкур қарорнинг ижросига келганда, жўяли иш қилинмаганини кузатиш мумкин. Акс ҳолда 1327 та фермер хўжалиги фаолият юритаётган туманда жамоа шартномалари тузиш, улар ижросида оқсоқлик юз бермаган бўларди. Мавжуд фермер хўжаликларида 5232 нафар ходим меҳнат қилаётган бўлса-да, уларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ҳимояланиш кафолатини таъминлашдаги локал ҳужжат - жамоа шартномалари атиги 55 та фермер хўжалигида (улар ҳам номига, расмиятчилик учун) тузилганини нима билан изоҳлаш мумкин?

Тумандаги фермер хўжаликлари биргина касаба уюшма бадали ҳисобидан 5 миллион сўм қарздор бўлиб турибди. Оқибатда ходимларнинг ижтимоий ҳимояланишида оқсоқлик юзага келмоқда. Ишчи-хизматчилар ва улар оила аъзоларини сиҳатгоҳларга жўнатиш, улар саломатлигини мустаҳкамлаш тадбирлари қийинлашмоқда. Меҳнаткашлар фарзандларининг ёзги оромгоҳларда бўлиши иқтисодий танқислик туфайли камайиб бормоқда. Ўтган йилда туман меҳнаткашларининг 300 нафар фарзанди оромгоҳларда дам олдирилиши режалаштирилгани ҳолда бу рақам 248 болани ташкил этди.

Кўриниб турибдики, Ғаллаорол туман АСМ ходимлари касаба уюшма кенгаши қабул қилинган қарорлар ижросига панжа орасидан қараб келмоқда.

**А.АЗИМОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## 2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

# ИНСОН МАНФААТЛАРИ — ЭЗГУЛИК ТИМСОЛИ

(Боши 1-бетда)

Ижтимоий шерикчилик тамойили асосида касаба уюшмалари ўз аъзоларининг меҳнат, ижтимоий, иқтисодий, маънавий, интеллектуал ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофазалашда иш берувчилар билан мустаҳкам ҳаракат бирлиги вужудга келган. Йил якуни билан жамоа шартномалари орқали 20112 ходимга 92 миллион 186 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Халқ хўжалигининг турли тармоқларидаги 847 корхона ва ташкилотларда 30562 нафар ёшлар ва аёллар бепул тиббий кўрикдан ўтказилиб, бунинг учун 29,5 миллион сўм маблағ сарфланди. 1394 корхона, ташкилот ва муассасаларда кам таъминланган, кўп болали оилалар, ногиронлар, уруш қатнашчилари, байналмилалчи жангчилар, Чернобил АЭС ҳалокатини бартараф этишда қатнашганлардан 5002 кишига 102 миллион 534 минг сўмлик дори-дармонлар олиб берилди. Ишловчи аёллардан 1654 нафарининг туғишгача ва кўзи ёрилгандан кейинги таътиллари узайтирилди. Кўп болали оналардан 6834 нафарига ойлик маоши сақланган ҳолда иш вақти ҳафтасига бир соатдан камайтирилди.

Вилоят ҳокимининг "Аҳолининг кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож қисмини, айниқса, серфарзанд ва ногирон болалари бор, боқувчисини йўқотган оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги фармойиши бўйича аниқ тадбирлар белгиланди. Ҳафтанинг ҳар якшанбаси "Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар аҳволидан хабар олиш куни" деб белгиланганлиги касаба уюшмаларининг кундалик фаолиятида янги қирраларни очиб берди, хайрия юмушларида бош-қош бўлишга даъват этди.

Касаба уюшмаларининг болалар, қариялар, ногиронлар уйлари, махсус мактаб- интернатлар, ногиронлар, қаровчисини йўқотганларга моддий кўмак бериб, ҳомийлик ёрдам кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилган. Хайрия ўн кунликлари ва меҳр-шафқат тадбирлари ўтказиш одат тусига кирган. Бирлашма томонидан Қарши шаҳрининг 7 ҳудудига қарашли маҳаллаларда яшовчи кам таъминланганларга 180 минг, 20 нафар муҳтож оилаларга 300 минг сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Яккабоғ туманидаги "Саховат" уйи ҳам эътибордан четда қолмади. Қамаши туманидаги Файзулла Хўжаев маҳалласида яшовчи Нуржамол Бўриева оиласига рангли телевизор тақдим этилди.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши Қарши шаҳрининг «Зоғза» маҳалласида умргузаронлик қилувчи эҳтиёжманд оила аъзоларидан кўнгил сўраб, ёрдам қўлини узатдилар. Тизимга қарашли корхона ва хўжаликлар, фермерлар ва ҳомийлар томонидан хайрия ишларига 92 милион 645 минг сўм маблағ сарфланганлиги, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва ёлғиз оналарнинг болаларига совғалар учун 290 минг, маданий ва маърифий тадбирлар учун 6 миллион 107 минг сўм маблағ ажратилганлиги эътиборга молик. Тармоқнинг Қамаши, Чироқчи ва Китоб туман кенгашларида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш сезиларли даражада яхшиланди.

Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси туманларда яшовчи 10 нафар кам таъминланган ногирон педагогларни ҳомийликка олган. Яқинда уларга 214 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилиб, касаллик туфайли тўшакда ётиб қолган кекса ўқитувчиларнинг фарзандларига 587 минг сўмлик ўйинчоқлар олиб берилди. Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши Қарши шаҳрининг «Чармгар» маҳалласида истиқомат қилаётган 14 нафар ёлғиз қарияга, ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати ходимлари касаба уюшмаси тармоқ вакиллиги "Геолог" маҳалласида яшовчи 12 нафар ногиронларни оталиққа олиб, доимий ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати, енгил, мебел саноати ва коммунал-маиший хизмат ходимлари касаба уюшмасининг вилоятдаги вакилликлари бир неча маҳаллаларда яшовчи муҳтож кишиларга, Қаршидаги "Мурувват" уйига қишки кийим-кечаклар топширди. Алоқа ходимлари касаба уюшмалари тизимидаги ташкилотлар 500 нафар нафақахўрларнинг ҳар бирига 5 минг сўмдан 2,5 миллион, 2400 ходимнинг фарзандлари учун 12 миллион сўмлик совға-саломлар тарқатдилар. Туман кенгашлари, вакилликлар ва бошланғич ташкилотлар ташаббуси билан Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, етим болалар ва ёлғиз оналарнинг фарзандларига 1 миллион 830 минг сўмлик кийим-кечаклар тортиқ қилинди.

Одамларга яхшилик қилиш ва қариндошлар билан яқин алоқада бўлиб, ҳол-аҳвол сўраб туриш савоби тез тегадиган хайрли ишлардандир, дейилади муқаддас ҳадисларда. Касаба уюшмалари вилоят бирлашмаси бахтсиз тасодиф туфайли ҳалок бўлган Қарши шаҳрилик А.Каримов, Китоб туманидан И.Асмомов оиласи аҳволидан хабар олиб, моддий қўллаб-қувватлаган бўлса, Қамаши тумани Сартўнли қишлоғидан биринчи гуруҳ ногирони Д.Тошимованинг даволаниши учун 300 минг сўм маблағ ажратди.

Келажагимиз ворислари болаларнинг соғлиғи ва маданий дам олишларини назарда тутиб, кўнгилочар театр томошалари ҳамда бошқа тадбирлар учун касаба уюшмалари бюджетидан 11 миллион 480 минг, хўжалик органлари ҳисобидан 123 миллион сўм маблағ харажат қилинган. Мана беш йилдирки, вилоятимиз ҳудудида жойлашган чегара қўшинлари қисмлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатилган. Ватанимиз сарҳадлари хавфсизлигини таъминлаётган ҳарбий қисмлар ва чегара постлари аскарларига 700 минг сўмлик спорт анжомлари ва китоблар олиб берилди, қизиқарли концерт дастурлари намойиш этилди.

Қишлоқ ва маҳаллаларда ижтимоий-иқтисодий муҳит барқарорлиги ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш борасидаги масъулият ҳам ошган. Муҳтож ва кам таъминланган оилалар, ногиронлар касаба уюшмалари раҳбар ходимлари ва тадбиркорларга бириктиб қўйилган. Вилоятда жорий этилган "Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ҳолидан хабар олиш куни"да касаба уюшма қўмиталари масъул ходимлари камида иккита кам таъминланган оиладан хабар олиб, яшаш шароити, тирикчилиги билан танишиб, моддий ва маънавий қўллаб-қувватламоқдалар. Йил бошидан бери юздан зиёд оилаларда бўлиб, уларга 1,7 миллион сўмлик ёрдам уюштирилди. Ҳомийлар кўмагида кўрсатилаётган коммунал хизматлар, табиий газ, ичимлик суви ва электр энергияси таъминотидаги қарздорликлар ҳам ҳал этилаяпти.

Ҳомийлик фақат моддий мезонлар билан ўлчанмайди. Энг муҳими, инсон қадр-қимматини улуғлаш, аҳолига ижтимоий мадад кўрсатиш, одамлар мушкулини осон қилишдан иборат. Касаба уюшмаларининг бутун ташкилотчилик фаолияти жамиятимизнинг гултожи ҳисобланган инсонни ҳар томонлама ғамхўрлик билан қуршаб олишга қаратилган.

**Эсон РАЖАБОВ,**
**Қашқадарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси раиси**





"Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпаниясига қарашли Нукус авиация - техника базаси жамоаси ўз касб байрамларини катта меҳнат зафарлари билан қарши олмоқдалар. Айни кунларда бу ерда мавжуд самолётларни таъмирлаш ишлари қизғин давом этмоқда.

Жумладан, Нукус авиация - техника базасида ҳозирги кунда 40 та "АН-2" самолётларидан 15 таси капитал таъмирланиб, парвозга шай ҳолга келтирилган. Мазкур самолётлар орқали Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги буюртмасига биноан, жорий йилда далаларда турли қишлоқ хўжалиги экинлари зараркунандаларига қарши дори сепиш ва ўғитлаш ишларида фойдаланилади. Бунинг учун корхонада самолётларнинг мавсум мобайнида бир маромда ишлашларини таъминлаш учун барча шароитлар мавжуд.

Шунингдек, авиация - техника базасида айни даврда Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси билан ҳамкорликда «АН-2» самолётларини капитал таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

***Суратларда: авиатехник Марат Усенов; «АН-2» самолётлари парвозга шай ҳолда.***

**Б.АЛЛАШЕВ**
**(ЎзА) олган суратлар**

## Орамиздаги одамлар

# ЖОНКУЯР КАСАБАҚЎМ

***Мен бу инсонни бундан 2-3 йил бурун матбуот куни муносабати билан республика касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан ўтказилган тадбирда кўрганман. Ўшанда уни йиллик обунани энг кўп ташкил этганлиги учун қимматбаҳо совға – рангли телевизор билан тақдирлашган. Яқинда хизмат тақозоси билан Қизилтепа томонларга борганимда Қаҳрамон Мақсудов олиб бораётган ибратли ишлар хусусида илиқ гаплар эшитдим. Айниқса, вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кенгаши раиси у ҳақда тўлиб-тошиб гапирди.***

Қаҳрамон Мақсудов бир неча йилдирки, Қизилтепа туман касаба уюшма вакиллигига етакчилик қилмоқда. Ўтган йиллар давомида бошланғич касаба уюшма ташкилотларида иш сифатини яхшилаш, жамоа шартномаларида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши юзасидан катта ишлар амалга оширилди. Иш берувчи билан бошланғич касаба уюшма қўмиталари ўртасидаги жамоа шартномаларининг ижроси ўқув даргоҳларида таълим-тарбия сифатини яхшилашга, ишловчиларни имкон даражасида ижтимоий ҳимоялашга хизмат қилмоқда.

Дарвоқе, Ватан ҳимоячилари куни барча бошланғич ташкилотларда зўр кўтаринкилик билан нишонланди. Ҳарбий хизматга бориб келган йигитлар билан давра суҳбатлари ўтказилди. Ўқувчилар ўртасида "Шунқорлар" танлови ғолиблари эса касаба уюшма совринлари билан тақдирланди. Соҳа ходимлари ўртасида 5 та жанр бўйича "Энг яхши қўшиқ ижрочиси" танлови ўтказилиб, ғолибга мукофот берилди. Худди шунингдек, "Отам, онам ва мен", "Аҳил оила", "Спортчиларимиз" танловлари тумандаги барча ўқув муассасаларида бўлиб ўтди. Тадбир вилоят телевидениеси орқали намойиш этилди.

Меҳнат муҳофазасини ташкил этиш бўйича танловда А. Дониш, Т. Ҳамид, Б. Турдиев номли мактаб жамоалари ғолиб бўлишди. Бундан ташқари, касаба уюшмалари тозалик ва ободончилик ишларига ҳам бош-қош бўлмоқда. Мавсумий тадбирларда 3890 нафар ходим иштирок этиб, 47 гектар майдон ободонлаштирилди. 59 минг туп манзарали, 2435 туп мевали, гул кўчатлари экилди, 1485 туп дарахтларга шакл берилди. Касаба уюшмалари эҳтиёжманд оилаларни ижтимоий ҳимоялаш, нафақахўрлар, шунингдек, беморлар аҳволидан хабар олиш, уларга моддий ёрдам кўрсатишга ҳам катта эътибор қаратмоқда. Шу асосда 32 нафар ходимга санаторийларга, 2 кишига профилакторийларга йўлланмалар берилди.

Соҳа ходимларининг фарзандлари туман касаба уюшма вакиллиги томонидан ижтимоий ҳимояланган. Ишловчиларнинг фарзандлари мактаб олди оромгоҳларида мириқиб дам олишлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган.

**Соҳиба АЪЗАМОВА,**
**"Ишонч" мухбири**

# МАҲАЛЛА ОҚСОҚОЛИ

## ишни статистикани ўрганишдан бошлади

Андижон вилояти Асака туманидаги «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғини раиси М.Жўраева маҳаллада кўрпача ва пойафзал тикиш бўйича иккита цех ташкил қилди. Бунинг натижасида маҳалладаги 35 киши иш билан таъминланди. Уларнинг 20 нафари хотин-қизлардир.

Манзурахон бир неча йилдан буён маҳаллага раислик қилиб келмоқда. Дастлаб у статистикани ўрганиб чиқди ва «Дўстлик» маҳалласида 4 мингга яқин киши истиқомат қилиши, уларнинг аксарияти хотин-қизлар эканини аниқлади. Шундан сўнг унда бир нечта кичик ишлаб чиқариш цехлари ташкил этиш ғояси туғилди.

М.Жўраева хомашё таъминоти ва маҳсулотни сотиш, банк операциялари билан шуғулланишни ўз зиммасига олди. Тикувчи Роҳатой Мадумарованинг сўзларига кўра, ишчиларга маош ҳар доим ўз вақтида тўланмоқда.

Цехларда иш «уста-шогирд» тамойили асосида ташкил этилган. Ўқувчилар беш ой мобайнида туман меҳнат биржаси томонидан ажратиладиган стипендияни олмоқда. Курсни тугатганлар кейинчалик нафақат шу ерда, балки цех билан олдиндан тегишли шартнома тузган ҳолда уйда ҳам ишлаши мумкин. Ҳамкорликнинг бундай шакли, айниқса, кўп болали оналар, ёш уй бекалари учун жуда қулай. М.Жўраева келажакда цехлар негизида фирма очишни режалаштирмоқда. Натижада ишчилар сони кўпаяди, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш учун яхши база яратилади.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг яқинда эълон қилинган «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони йирик ишлаб чиқаришларда иш билан банд бўлмаган хотин- қизлар учун қўшимча имконият яратмоқда, - дейди маҳалла раиси. - Фармонда касаначилик билан шуғулланаётган хотин-қизларга қариганда пенсия таъминоти ҳуқуқини берувчи меҳнат дафтарчаларини очиш кўзда тутилган. Бундан ташқари уларни хомашё билан таъминлаш яхшиланади.

**(ЎзА)**

## Оилавий тадбиркорлик

# ҲУНАРИ БОРНИНГ ЗАРИ БОР

(Боши 1-бетда)

Булоқбоши туманида тадбиркорликнинг этагидан тутиб, рўзғорини бутлаб, маҳалладошларининг бошини қовуштириб эл-юрт корига яраётган фидойи ишбилармонлар кўп. Эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш учун банклар томонидан мақсадли кредитлар ажратилаётганлиги Муқаддамхон Исмоиловага ҳам қўл келди. Якка тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтгач, мушкули осон бўлди. "Пахтабанк"нинг туман бўлими томонидан унга ҳам 500 минг сўмлик қисқа муддатли имтиёзли кредит ажратилди. Бозордан бир неча тикув машиналари, савдо дўконларидан хомашё — газмол сотиб олди. Ҳовлисидаги бўш ётган хоналардан бирини бўшатиб, унга тикув машиналарини ўрнатди. Янги иш ўринларини яратиш, ишловчиларни нафақа билан таъминлаш ва касбга йўналтиришда Муқаддамхонга туман Меҳнат бўлими, "Маҳалла" хайрия жамғармаси, Мирзакалон Исмоилий маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари елкадош бўлди. Оилавий меҳнат билан шуғулланадиган, эшик, дераза пардалари, сўзана, дастурхон каби тўй-маъракаларда фойдаланиладиган бошқа рўзғор буюмлари тайёрлайдиган тикувчилик цехи ана шундай тарзда иш бошлади. Аҳамиятлиси, оила аъзолари доимий иш билан таъминланди. Ишлаган тишлайди, деганларидек, рўзғордан, ишлаб чиқаришдан ошириб даромадга эришдилар. Раҳимов номли маҳаллада умргузаронлик қилаётган Йўлбарс Раҳимовлар хонадонининг ҳам пичоқлари мой устида. Бугунги кунда шахсий қўрасида қорамол, қўй-қўзи парваришланмоқда. Банкдан олинган бир миллион сўмга яқин кредити асқотди. Ўзидан чиққан гўшт, сут-қатиқ рўзғорига яраяпти.

Ойпарча Нурматоваларнинг хонадони хизматидан «Тошкечик» маҳалласи аҳолиси мамнун. Опахоннинг жонбозлиги билан очилган қандолатчилик цехида оила аъзоларидан ташқари, маҳалладошлардан яна 2 киши ижтимоий фойдали меҳнатга тортилган. Рўзғорга файз кирган. Цехда тайёрланаётган новвот, холвақанд, торт, рулет каби қандолатчилик маҳсулотлари қишлоқ гузарининг пештахталаринигина эмас, тўй-маъракаларнинг дастурхонларини ҳам безамоқда. Тадбиркор оила ҳомийлик, хайру-саховат юмушларида ҳам бошқаларга ибрат.

Кулла қишлоғидаги Бозорбоши маҳалласида яшовчи Умиджон Маматовлар ҳақида гап кетганда иш билганга минг танга, деган нақл ёдга тушади. Банк томонидан берилган ярим миллион сўмлик кредит қўйилмаси оила учун айни муддао бўлди. "Андижонёғмой" ҳиссадорлик жамиятининг қишлоқда омухта ем билан савдо қилувчи дўкони очилиши юзлаб тадбиркорлар қатори, Умиджон ташкил қилган паррандахонанинг узоғини яқин қилди. Хонадонда 300 бош товуқ, 1000 бош ўрдак боқилмоқда. Қўйнидан тўкилса, қўнжига деганлар. Хонадондан чиққан гўшт, тухум маҳсулотлари оила қозонини қуюлтиряпти. Ҳудуддаги мактаб ошхоналари оилавий паррандачилик цехининг маҳсулотларидан баҳраманд бўляпти.

Туманда 37 та маҳалла, 6 та қишлоқ фуқаролар йиғини фаолият кўрсатмоқда. Уларда 100 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилмоқда. Кичик ва хусусий тадбиркорликни шакллантиришда тумандаги "Пахтабанк" ҳамда "Халқ банки"нинг молиявий хизмати катта бўляпти. Қишлоқларда ушбу молиявий муассасаларнинг кичик филиаллари очилган. Президентимизнинг Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармони оилавий меҳнатни кенгайтириш, оила бюджети ва даромадини оширишда янги туртки бўлди.

Айниқса, миллий ҳунармандчилик, чорвачилик, касаначилик каби уй меҳнатини ташкил қилишга қаратилган лойиҳаларни кредитлашга эътибор кучайтирилди. Юқоридаги банкларда деҳқон ва фермерлар, якка тадбиркорларга амалий кўмак бериш мақсадида "Ишбилармонлар бурчаги" очилган. Шунингдек, тадбиркорлар банклардаги "Ишонч" телефонлари билан боғланиб, кредитлар ажратилиши, шартномалар тузиш, таклиф этилаётган кичик технологияларни қаердан харид қилиш, бизнес режа тузиш тўғрисида ахборот ва маълумотлар олмоқдалар.

Банк муассасалари қишлоқ мулкдорлари билан кун бўйи гавжум бўлаётганлиги бежиз эмас, албатта. Шу давргача Булоқбошилик тадбиркорлар банклар томонидан 250,5 миллион сўмлик кредит маблағлари билан таъминланди. Бу бурноғи йилга нисбатан 1,5 баравар кўпдир. Биргина АТ "Пахтабанк"нинг туман бўлими саъй-ҳаракати билан 200 миллион, "Халқ банки" томонидан 50,5 миллион сўм микрокредит маблағлари ажратилди. Тадбиркорлик шарофати боис, туманда 2005 йилда 500 та янги иш ўринлари яратилди. Бу юзлаб оилаларнинг қозони қайнаётгани, эртанги кунидан кўнгли тўқлиги, маошларнинг узлуксиз қўлга тегаётганлиги, хуллас, турмушидан розилигидан далолат.

Бозорларнинг тўкинлигини айтмайсизми! Бир томонда қўли гул ҳунармандлар ясаган оромкурсилар, жовон, бешиклар, диван, эшик, ромлар кўз-кўз бўляпти. Озиқ-овқат бозоридан қут-барака аримайди. Ёғлик патир нонлар, қандолат маҳсулотлари, иссиқхоналарда етиштирилган карсиллама бодринггу лимон, апелсинлар, сархил мевалар очил дастурхонни эслатади.

**Собиржон РЎЗИМАТОВ,**
**"Ишонч" мухбири**

## ҚУВАСОЙ ЧИННИСИ

Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар туфайли кўплаб саноат корхоналари ривожланиш йўлига тушиб олмоқда. «Қувасой чинниси» акциядорлик жамияти ҳам қайта оёққа туриб, ишлаб чиқариш қувватларидан тўла фойдаланишга ҳаракат қилаётган корхоналардан биридир.

Ўтган йилнинг май ойида корхонани соғломлаштириш ва молиявий аҳволини яхшилаш борасидаги ишлар бошланган эди. Тўхтаб қолган цехлар яна ишга тушди. Ишчилар сони минг нафардан ошди, лойиҳа қувватидан фойдаланиш 70 фоизга етди.

## Бор бўл, оқибат!

# ЎЗИНГДАН ҚЎЙМАСИН...

***Ўз атрофига 24 минг нафарга яқин касаба уюшмаси аъзоларини бирлаштирган Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшма Шаҳрисабз туман кенгаши Ҳомийлар ва шифокорлар йилини савобли иш билан бошладилар.***

Яқинда кенгаш раиси Ғузор Маматов бошчилигидаги жамоа шаҳарнинг Қушхона маҳалласида истиқомат қилаётган I гуруҳ ногирони Темур ака Турсуновлар хонадонига ташриф буюрди.

Дарвоза қўнғироғи чалиниб, хонадон бекаси Хурсаной ая Ортиқова меҳмонларга пешвоз чиқди.

— Темур акамизнинг соғлиқлари қандай? — деди Ғузор ака қўлидаги совға-саломларини аяга топширар экан. — Совға баҳона бир дийдорлашиб кетайлик дедик-да.

Ҳовлидаги гап-сўзларнинг бир учи отахоннинг қулоғига чалинди шекилли, қизига мурожаат қилди.

— Феруза қизим, ташқарига қарагин-чи, биров келганга ўхшайди.

— Дадажон, яна қадрдонларингиз келибди, — ҳаяжонини яшира олмади иккинчи қизи Дилфуза.

Шу куни кенгаш раиси бошчилигида Карим Кучаров, Ҳамида Хушвақтовалар Маннон Турсуновлар оиласида бўлиб, ўн йилдан ортиқ хасталик туфайли тўшакда ётиб қолган Темур ака ва у кишининг оила аъзолари билан кўнгил олишдилар.

— Касаба уюшмасига раҳмат, — дейди оила бекаси Хурсаной ая. — Етти йилдирки, Ғузор ака бошлиқ жамоа хонадонимизга ташриф буюриб, ҳолимиздан хабар олиб, қувончимизга шерик бўлишади. Моддий кўмак бериб, ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашади.

Темур Турсунов бир неча йил "Эскианҳорқурилиш" трестига қарашли Шаҳрисабз механизациялашган кўчма жамланмада муҳандис вазифасида ишлади. Бахтсиз тасодиф туфайли ногирон бўлиб қолди. Лекин ҳамкасблари, жамоадошлари уни ёлғизлатиб қўйишмади. Хусусан, касаба уюшма туман кенгаши вакиллари Темур акадан саховатларини дариғ тутмаяптилар. Уларнинг бундай меҳр-мурувватидан хонадон соҳибаларининг боши осмонда.

**Шавкат СУЛТОНОВ,**
**"Ишонч" мухбири**

## Жамоа шартномалари қандай бажарилмоқда?

***Илғор, ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки ижтимоий шерикчилик тамойилларига риоя қилинаётган жойларда тадбиркорлик фаолияти, умуман миллий иқтисодиёт муваффақиятли ривожланмоқда. Аҳолининг турмуш даражаси тезкор суратларда ўсмоқда. Ижтимоий шерикчилик тамойили яратувчанликнинг улкан имкониятларини ўзида мужассамлаштирган. Мазкур механизмни такомиллаштириш маъмурият ҳамда касаба уюшма ташкилотлари ўртасида имзоланаётган жамоа шартномаларида тўлақонли ўз аксини топмоқда.***

# ТЕНГ ШЕРИКЧИЛИК

## кучли ижтимоий ҳимоя

2000 йилда Хоразм вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кенгаши тизимларида тузилаётган жамоа шартномалари орқали касаба уюшма аъзоларининг 77 минг 267 нафари қамраб олинганди. Мазкур ҳужжатлар орқали ҳар бир аъзо кўраётган манфаат 2 минг 953 сўмга етди. 2004 йилга келиб эса жамоа шартномалари орқали 98 минг 140 нафар аъзо имтиёзлардан баҳраманд бўлди. Ҳар бир аъзо учун 33 минг 23 сўм сарфланди.

Ўтган йили меҳнаткашларни ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш келишувлар ҳамда жамоа шартномаларида тўлақонли ўз аксини топди. Уларга асосан 222 нафар кўп болалик аёлларнинг ойлик маошлари сақланган ҳолда иш ҳафтаси 1 соатга қисқартирилди. 2 ёшдан 3 ёшгача фарзандлари бўлган 177 нафар аёлга 1 миллион 470 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Ўқув муассасаларида узоқ йиллар меҳнат қилган 18 нафар ходимнинг вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик варақалари бўйича тўланадиган маблағ 20 фоизга оширилди.

Ўқув муассасаларида меҳнат қилган сурункали ва касб касалликларига чалинган 68 нафар тармоқ меҳнаткашларига дори-дармон сотиб олиш учун 1 миллион 692 минг сўмлик маблағ сарфланди. Тиббий ёрдамга муҳтож бўлган 32 нафар аёлларни соғломлаштиришга 4 миллион 454 минг сўмлик маблағ ажратилди. Касб касаллигига учраган 7 нафар ходимга дори-дармон ва йўлланмалар учун касаба уюшмалари ҳисобидан 511 минг сўм берилди.

Айни кунларда вилоят тармоқ касаба уюшмалари кенгашида тармоқ келишувлари ҳамда жамоа шартномалари тайёрлашга пухта ҳозирлик кўрилмоқда. Бу йил 13 та келишувлар ҳамда 338 та жамоа шартномалари имзоланиши режалаштирилган. Мазкур муҳим ҳужжатларни тайёрлашда меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоялашга оид кўплаб янги-янги бандларни киритишни мўлжаллаганмиз.

Ижтимоий шерикчилик тамойили иш тажрибамизда ўзининг жуда яхши натижаларини бермоқда. Шу боисдан ҳам мазкур ҳужжат меҳнаткашлар турмуш тарзини яхшилаш, уларни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватловчи асосий ҳужжат эканлигини унутмаслигимиз зарур.

**Л.ОДАМБАЕВА,**
**Хоразм вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшма кенгашининг етакчи мутахассиси**

